### 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ КУНЛАР

Момом бу йил қовун пишиғида бир юзу икки ёшга тўлади. Бундан роппа-роса икки аср-у икки йил муқаддам, яъни бир минг тўққиз юзинчи йилнинг саратонида, ўз тили билан айтганда, айни қовун пишиғида дунёга келган эканлар. Айтганларини эшитсангиз, худди эртакка ўхшайди:

— Ўлмаган қул кўраверар экан. Эҳ-ҳей, не кунларни кўрмади бу бошим. Мен дунёга келган вақтлар бу юртлар бир мусулмонобод юртлар экан. Бойи камбағалини суяган, камбағали бойининг иззатини жойига қўйган. Эсимда, биров тўй қилса, элнинг оқсоқоллари йиғилиб келарди. Агар тўйчи камбағалроқ бўлса, кам-кўстини ҳамқишлоқлари кўтараверарди. Буни ҳеч ким ҳеч кимга миннат ҳам қилмасди, ҳеч ким уят ҳам санамасди. Ахир, яхши-ёмон кунида бир-бирини суямаган эл эл бўладими...

Бу кунлар ҳам ғанимат экан. Юртда бир алғов-далғов кунлар бошландики, эсласам ҳали ҳам юрагим орқамга тортади. Аввал элда "инқилоб келаётганмиш, энди ҳамма тенг бўлармиш, қозон товоқдан бошлаб бола-чақагача ўртада бўлармиш", деган гаплар оралаб қолди. Ўша пайтлардаги ваҳимани бир кўрсанг эди... Ҳали бу гаплар ҳолво экан, орадан кўп ўтмай элга бўри оралади. Бўри деганим ҳали амирнинг сарбозлари, ҳали қарасанг қизил аскар дегани от чопиб қолади. Эл шўрлик унисини кўрса қирга, бунисини кўрса ўрга қочади.

Ким кимга дўст, ким кимга душман, билиб бўлмайди. Элдан хайру барака кўтарилди. Ажабтовур яшаб ётган эл парокандаликка юзланди. Юрт тинч бўлмагандан кейин на экин - текинга қараларкан, на чорвага. Ана булар бўлмагандан кейин ўз-ўзидан очарчилик деганлари ҳам бош кўтариб қоларкан. Очарчилик дегани элдан меҳр-оқибатни ҳам кўтараркан, ҳали-ку ҳамқишлоқлик, ҳаттоки қариндош-уруғчилик ришталаридан ҳам путур кетаркан. Ана ўша кунларни бир кўрсанг эди. Худди дўзахнинг ўзида яшадик, десак ҳам бўлади. Ҳали амирнинг сарбози талаб кетса, ҳали қизил аскар талайди. Бу орада яна бир йигитлар пайдо бўлди. Ҳаммаси атроф қишлоқлардан йиғилган бўз йигитлар. Тўда-тўда бўлиб юради. Ўзларича элини ҳимоя қилиш, талончиликка йўл қўймаслик учун бирлашган. Мана шу йигитларнинг ҳам бари қирилиб кетди. Тавбангдан кетай, ўз қўрғонини қўриганни босмачи дейилишини шунда кўрдик.

Хуллас, юртга ўт кетиб, ҳўлу қуруқ баравар ёнди. На ҳўлни, на қуруқни сўровчи топилмади. Биров бировни сўраса, тили суғуриладиган замонлар эди. Қишлоғимизда, атроф қишлоқларда бир нуроний, бир оқил, бир мулла одамлар бор эдики, юзларидан нур ёғиларди. Элнинг устунлари эди улар. Ана шу устунларнинг бирини ҳам қўймадилар. Бирини қулоқ қилишган бўлса, бирини улоқ қилишди. Айниқса, ўқиш-ёзишни билганни бари шўро деганнинг душмани бўларкан. Ана шунда айтдим, ўзим ҳам ўқимайман, илми бор одамга турмушга ҳам чиқмайман, вақти замони келиб фарзандли бўлсам, болаларимни ҳам ўқитмайман, деб.

Бу орада чорвани ҳам худо олди, деҳқончиликни ҳам худо урди. Бир очарчиликлар бўлди, бир очарчиликлар бўлди, эсласам ҳали ҳам юрагим орқамга тортиб кетади.

Ўлмаган қул кўнар экан. Кўндик. Чидаб яшадик. Номига тўй қилгандай бўлиб бобонгга турмушга чиқдим. Энди бу замонларга келиб, юртда колхоз деганлари пайдо бўлган, биз ҳаммамиз колхоз учун мажбур ишлардик. Бобонг колхозга фаол бўлди. Худонинг зорини қилдим, "қўйинг, тинчгина кетмонингизни чопиб юраверинг, фаол бўлманг", деб. Чунки бу Шўро деганлари ўзига содиқ бўлганларни ҳам аяётгани йўқ эди. Буни кўриб турган эдик. Бунга гувоҳ эдик. Бобонг раҳматли жуда ўр одам эди. Айтганидан қолмади. Фаол бўлгани ҳам яхши бўлган экан, бир йили қиш жуда қаттиқ келди. Эл очликдан қирила бошлади. Қишлоқда ҳар куни бир-икки уйда жаноза. Бобонг Шўрога борди. Ҳукуматга бош урди. Ҳеч ким тингламади. Эрта кетиб, кеч келади. Ётади, осмонга қараб уф тортади. Охири бир кун элни йиғиб, уруғликка олиб қўйилган колхознинг буғдойини тарқатди. Уйга ҳам олиб келган экан, хурсандлигимдан бошим кўкка етди.

"Ҳайитгул, — деди чуқур хурсиниб, — бугун маккажухори қўшмасдан бир нон қил, болаларнинг тиши буғдой нонга тегсин", деди. Кўнглим бир балони сезди. "Тинчликми", деб сўрадим. "Тинчлик", деди. Бошқа гапирмади. Эртаси куни билсак, бобонг буғдойни Шўронинг рухсатисиз тарқатиб юборган экан. Бунинг нима билан тугаши гўдакка ҳам маълум эди. Икки кундан кейин бобонгни Шўрога чақириб кетишди. Кечга яқин отининг ёлига ёнбошлаб қайтди. Отдан суяб тушурдим. Икки кун ўтиб жон берди. Шўрода нима сир ўтди, бир оғиз гапирмади. Йиғлаб сўрадим, ёлвориб сўрадим, ҳеч нарса айтмади. Айтгани "болаларимга қара", деди. "Болаларимга айтма", деди. Ўшанда яна бир марта айтдим. "Болаларим ўлмай улғайса, ё чўпон қиламан, ё деҳқон", деб...

Энди-энди кўрган кунимизга шукур қилиб турган пайтимизда уруш деган бир балоси бошланди. Ана ундаги азоб уқубатларимиз... Очарчиликларимиз... Ўша кунлардан ўлмай омон чиққанимизни эсласам, ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Бобонгдан икки қиз, бир ўғил билан йигирма саккиз ёшимда бева қолган эдим. Бир қизимни очарчиликдан асраб қололмадим. Отанг билан аммангни тишимда асраб улғайтирдим...

Эсимни таниганимдан, то кетмонга ярамай қолганимча колхозчи бўлдим. Ҳали айтдим, амир замонини кўрдим. Ундан кейин оқпошшо деганлари... Товонимиз тарс тарс ёрилиб, оёқяланг ишладик. Юртга болшовойлар етмиш йил эгалик қилди. Етмиш йил шуларнинг ҳам хизматини қилдик. Аёл бошимиз билан қўш қўшдик, от миниб хирмон ҳайдадик, лекин оёғимиз янги калиш кўрмади. Эҳ-ҳей, бу колхоз деганлари қандай раисларни кўрмади. Бизнинг елкамизда қанча-қанча ўрма қамчининг излари қолмаган, дейсан...

Биз ёш пайтимизда қишлоғимизда бир мулла бўларди. Ҳеч кими йўқ, ёлғиз яшарди. Шу киши баъзан айтиб қолардилар, "Ҳей, ҳали бу кунлар ўтиб кетади. Юрт яна обод бўлади. Элга ўзимизнинг болалар эгалик қилади. Шунинг учун уларнинг қулоғига ёшлигидан қуйинглар. Уруғини унутмасин. Ота-бобоси, етти пуштини билсин. Ҳеч бўлмаса, калима қайтаришни ўргатинглар", деб. У кишининг айтганларига бирда ишонсам, бирда ишонмай яшадим. Лекин юрагимнинг тўрида бир умид бор эди. Бир ишонч бор эди. Уни боламга айтишга ҳам қўрқардим.

Юрт озод бўлган йили мен тўқсон иккига кирган эдим. Номоздан турсам, отанг келиб қолди. "Эна, биз мустақил бўлдик, суюнчи беринг", деб. Аввалига ишонмадим. Тўғрисини айтсам, кейин озгина қўрқдим ҳам. Яна уруш бўладими, деб ўйлаганим ҳам рост. Ахир, бу бош бир асрдан ортиқ вақт ичида озгина уруш, сурушларни кўрмади дейсанми...

Бугунги обод юртимизнинг сардори Ислом Каримов боламни телевизорда кўрсам ҳам тавоб қиламан. Дуо қиламан: "Бировдан кам бўлмасин, дунё тургунча турсин, юртига эгалик қилсин", деб. Невара-эвараларимга қайта-қайта айтаман: "Юртбошимизни бизга Оллоҳ берган. Бу одам назаркарда одам", деб. Тўғрисиям, агар одам назаркарда бўлмаса, бу қадар қудратга, салоҳиятга эга бўлмайди...

Яқинда янги йил арафаси уйга бордим. Байрам билан қутладим. Янги йилни мамлакатимиз раҳбари "Қарияларни қадрлаш йили", деб эълон қилганларини айтдим. Момом нима деди денг.

— Ҳа болам-а, болам-а. Мен бу гапларни телевизорда эшитдим. Эшитиб ўзимни босолмадим. Шу кунларга етказганига қувониб йиғладим. Йиғлаб қувондим. Сенга бир мисол айтайми, юрт озод бўлгунича мен бор-йўғи ўн икки сўм пенсия олардим. Бугун худога шукур, олаётган пенсиям ўзимдан ортади. Невараларимга ҳам бераман. Юзга кирганимда ҳукумат қанча совға-салом берди. Тўқсон икки йил кўрган умрим бир бўлагу, кейинги ўн йиллик умрим бир бўлак бўлди. Шунинг учун невара, эвара, чевараларим йиғилганда ҳар доим бир гапни айтаман. "Юртбошиларингни ўз оталарингни яхши кўргандек, яхши кўринглар. Ўз оталарингни ҳурмат қилгандек, ҳурмат қилинглар. Ўз оталарингни авайлагандек, авайланглар", деб. Юзга кирсам ҳам ҳали яшагим бор. Қани энди йигирма-ўттиз ёшлик пайтларим қайтиб келсаю, мана шу омон-омон замонда яна кўпроқ яшасам. Аслида яшайдиган, ишлайдиган замон энди келди. Бу кунлар менга Оллоҳ берган олтин кунларимдир.



Ҳар гал Хатирчига борганимда "Олтинсой" жамоа хўжалигининг Қўпайи қишлоғида яшаётган табаррук моможонимни зиёрат қиламан. У кишининг панд-насиҳатларини тинглайман. Ана шундай момом борлигидан кўксим ғурурга тўлади. У киши билан хайрлашар эканман, ҳар гал дуога қўл очадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди:

— Илоё йўлинг бехатар бўлсин. Оллоҳ қарияларининг қадрини жойига қўяётган Юртбошимизнинг бошини тошдан қилсин. Ёмонларнинг юзи тескари бўлиб, юртимиз мамлакат обод бўлсин...

**Ислом ҲАМРО**

---

*Мерос*

# ТЕМУР «ТУЗУКЛАРИ» — ТАРИХИЙ ТАЖРИБА ТАЛҚИНИ



Маданий меросга бой халқмиз. Ҳар қандай маданий мерос эса ўтмишни қадрлашга, ундан сабоқ олишга ундайди кишини. Тарихий тажриба талқин этилган «Темур тузуклари» Соҳибқирон Амир Темур даври ҳақида батафсил маълумот берувчи манбадир. Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етук бу асардан қадимий ёдгорликларни ўрганишда ҳам муҳим омил сифатида фойдаланиш мумкин. Асарда, айниқса, марказлашган йирик давлатни идора қилиш санъатининг тамойиллари, ҳарбий тизим, жиноят ва жазо каби масалаларнинг атрофлича ёритилганлиги ўша давр ҳаётини илмий-назарий жиҳатдан ўқиб-ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Ўлкамиздаги мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилишида Амир Темурнинг хизмати беқиёс, албатта. У 1370 йилдан бошлаб, 1402 йилга қадар Балх, Хоразм, Ҳирот, Озарбойжон, Эрон, Гуржистон ва Арманистон, Ҳиндистон, Туркия давлатлари томон ҳарбий юришлар қилиб, ўрта асрда бутун жаҳонга танилган йирик ва қудратли давлатни барпо этишга муваффақ бўлди. Айни маҳалда марказлашган давлатни бошқаришда ўз замонасига хос давлат бошқаруви тизимини ҳам яратди.

Амир Темур давлатида бошқарув шакли жиҳатидан ҳокимият давлат бошлиғи қўлида бўлса-да, муҳим масалаларнинг ҳал этилишида кенгашлар асосий ўрин тутарди. Бундай кенгашлар вазиятга қараб чақирилиб турилган. Унда Амир Темурнинг қариндош-уруғлари, саййидлар, қозилар, уламо-ю, фузало, шайхлар, улуғлар ва аслзодалар, амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, нўёнлар, улус, туман ва қўшинларнинг сардорлари ҳамда амирлари, мингбоши, юзбоши, ўнбошилар, девонбеги ва вазирлар, баҳодир унвонига эга аскарлар ҳам иштирок этишган.

«Темур тузуклари»да ёзилишича, Соҳибқирон давлатнинг марказий бошқаруви маҳкамалари сифатида етти вазирликни тузган. Бу етти вазирликдан тўрттаси доимо Соҳибқирон ҳузурида бўлиб, қолган учтаси вилоятларни бошқариш билан шуғулланганлар. Амир Темур давлатида мамлакат ва раият вазири, ҳарбий вазир, мол-мулк, закот ва бож-ҳирож ишлари билан шуғулланувчи вазир, молия вазири, забт этилган мамлакатлар молиявий муаммолари ва келадиган даромадларни бошқариш учун уч вазирдан иборат давлат ҳайъати (холиса) тузилган. Ана шу айтиб ўтилган етти вазир давлат раҳбарига ҳисоб бериб турувчи девонбегига бўйсундирилган.

Амир Темур адолатли давлат қуриш мақсадида марказий бошқарувга арзбеги мансабини ҳам жорий этган. Арзбеги сипоҳ, раият ва арз қилиб келувчиларнинг аҳволини, мамлакатнинг ободлиги ёки хароблигини, муҳим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини Соҳибқиронга маълум қилиб турган.

Амир Темур давлатида ҳокимиятни вилоятларда ҳоким, ноиб, валийлар, бекликларда эса беклар бошқарганлар. Соҳибқирон сипоҳни тузишда ўз замонасида машҳур бўлган ўнлик, юзлик, мингликлар тизимига амал қилган.

Шунингдек, Амир Темур давлатида ўзига хос суд тизими мавжуд эди: фуқаро, ҳарбий, аслзодалар билан боғлиқ ишлар ҳамда руҳоний ва хизматчилар ишларини кўрадиган қозиларнинг ўзига хос мавқеи бўлган. Қозилар чиқарган ҳукм устидан норози бўлган шахс давлат бошлиғига шикоят қилиши мумкин эди. Мамлакат бўйича барча суд ишлари фаолиятини назорат қилиш қозикалон зиммасида бўлган. Соҳибқирон салтанатида «Эҳтисоб» идораси муҳим ўрин тутганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Амир Темур давлатида давлатга қарши, ҳокимият бошқарувига қарши ва мансабдорлик жиноятларига жазо бериш учун адолат девони ҳам ташкил қилинган.

Соҳибқирон салтанатида савдо йўлларидаги босқинчи, талончи, ўғри тўдаларни топиш ва уларга шариат қоидалари асосида жазо белгилаш ҳамда савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зобит ва кузатувчилар мансаби жорий этилган. «Ҳар ерда: вилояту шаҳарда ва ўрдуда кундалик воқеаларни ёзғувчилар тайинланган» («Темур тузуклари» асаридан). Улар жойларда бўладиган барча воқеалардан давлат бошлиғини ўз вақтида огоҳ этиб туришган. Марказлашган давлатни бошқаришда кучли тартиб-интизом жорий қилинган бўлиб, қонунни бузган ҳар қандай шахс жазосиз қолмаган.

«Темур тузуклари» ана шундай сиёсий-ҳуқуқий сабоқ бўла олиши билан ҳам қадрлидир.

**Садриддин ХИДИРОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

---

*Жиноят ва жазо*

# ҒИРДОБ

Учқудуқ. Бу кўркам шаҳар Қизилқум чўлининг қоқ ўртасида қад ростлаган. Шаҳар аҳли турли миллат ва элатлардан ташкил топганлигига қарамай бир оила фарзандларидек тотув яшашмоқда.

Аммо ҳаётда гуруч курмаксиз бўлмаганидек, нияти бузуқ, нопок кимсалар учраб турар экан. Шундайлардан бири Алишер. У шу шаҳарда яшайди. Ҳеч қаерда ишламайди. У кўпдан бери бой бўлишни, катта бойлик эгаси бўлишни орзу қилар ва нияти ушалишини орзиқиб кутарди. Ўзича ҳар хил режалар тузарди. Лекин бу режаларни қандай қилиб ва ўз ниятига етишиш йўлларини топа олмай ҳайрон эди.

Алишер хотини Татьянанинг бир жазмани билан танишиб, у билан ишқий муносабатда бўлиб юрганини билса-да, ҳеч нима демас, аксинча, уларнинг тез-тез учрашиб туришларига шароит ҳам яратиб берарди... Чунки оиланинг моддий таянчи, уни ва икки нафар боласини боқиб турган ҳам Татьяна бўлганидан кейин нима дея оларди?...

Алишер тез-тез бўлиб турадиган айшу ишрат, базмлардан сармаст бўлиб юрганда хаёлига келган фикрдан севиниб кетди.

— Таня, калламга зўр фикр келди, — деди у. — Айтсам «беш» кетасан!

— Қандай фикр экан? — деб сўради ажабланиб хотини.

— Жазманинг ҳалиям бир ўзи яшайдими?

Алишер хотинидан тасдиқ ишорасини олгач, режасини тушунтира бошлади. У тинмай гапирар, орада жазавага тушар, режасини амалга оширишнинг турли йўли борлигини айтар ва ўзини ҳозирнинг ўзидаёқ бойиб қолгандек ҳис этар эди.

Эрининг қабиҳ режасини жимгина эшитган Татьянанинг кўзига жазманининг тилла тақинчоқлари, пуллари ва бошқа бойликлари кўриниб кетди... Режа бўйича Татьяна жазманининг уйига бориб, ичкарига кириши, унинг кўнглини овлаши, клафелин дорисини бериб ухлатиши, сўнгра ташқарида қолган эрини чақириши, эри эса ухлаб қолган жазманининг бўйнидан ип ўтказиб бўғиб ўлдириши керак эди...

Соат кечки $23^{00}$. Одатда бундай пайтда Учқудуқ шаҳридаги кўпгина хонадонларда чироқлар ўчган бўлади. Баъзилари эса ўз билганларича дам оладилар. Бу пайтда Татьяна билан Алишер «меҳмон»га боришга чоғлана бошлади. Татьяна ҳар кунгидан бошқачароқ ўзига оро берар, Алишер эса режасини тезроқ амалга ошириш учун тоқатсизланарди. Бўғиш учун пишиқ ип ва клафелинни сумкачасига солгач, Татьяна ўзгача ишва билан Алишерга тайёр эканлигини билдирди. Сўнгра икки норасида гўдакнинг (улардан бири эмизикли) устидан қулфлаб, эр-хотин атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, режа асосида ишга киришди. Алишер айтилган жойга бекинди. Кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватига кўтарилган Татьяна яна бир бор у ёқ-бу ёғини тузатиб олган бўлди-да, эшик қўнғироғини босди. Жимлик. Асабий равишда яна бир неча бор эшик қўнғироғини босди. Эшикни урди, тақиллатди. Аммо эшик очилмади. «Наҳотки, ҳеч ким йўқ. Ёки кетиб қолдимикин?! Шунча бойлик қўлдан чиқиб кетса-я?»

Шу фикрлар Татьянанинг хаёлида ғужғон ўйнар, пастда турган Алишер эса тоқатсизланар, лекин эшик ортидан бирон-бир сас-садо чиқмасди. Ҳовлига келиб тўхтаган машинанинг овози Татьяна ва эрининг қалбларига чироқ ёққандай бўлди. Уларда яна бойликка эгалик қилиш иштиёқи улғайди.

Дунёнинг лаззатини фақат айшу ишратда деб биладиган жазман меҳмон бир амаллаб эшикни очиб ичкарига кирди. Кира солиб, ечиниб-ечинмай ўзини ўриндиққа ташлади. Дўстлари даврасида кўп «отворганидан»ми, чарчаганиданми ёки она юрт соғинчи қоплаганиданми, ҳар қалай бугун у якка-ёлғиз қолишни истар, шунинг учун ҳам кечқурунга жазман аёллардан ҳеч кимни таклиф этмаган эди.

Шу пайт эшик тақиллади. Ким бўлди? Ҳеч кимни таклиф этмаган эди-ку? Бир неча бор оҳиста-майин тақиллатишдан сўнг эшик қўнғироғи асабий ҳолда жаранглади. Эшик ёнида кўзларини сузиб, минг ишва билан Татьяна турарди. У эшикни тезроқ очишнинг иложи йўқмиди, дегандек ноз ҳам қилиб қўйди.

Эски жазманининг бемаврид ташрифи унда ҳеч қандай шубҳа уйғотмади, аксинча, бу кечани ҳам мароқли ўтказиш иштиёқи туғилди. Лекин бу кеча ўзининг ҳаётидаги охирги кеча эканлигини билмасди.

Ширин эҳтирослар оғушида янада маст бўлиб қолган Ҳусейн ошхонадан минерал сув олиб келишни сўраганида, Татьяна тузган режалари шу тобда амалга ошишига ишонч ҳосил қилди. У ўзи билан олиб келган клафелин дорисини сувга аралаштириб, мижозга узатди. Татьяна унинг мастлик ва дори таъсирида уйқуга кетганлигига амин бўлгач, ҳовлида турган эрини чақирди.

Бу сафар эшик тақилламади, қўнғироқ ҳам чалинмади. Хонага оҳиста кирган Алишер шошилмасдан Ҳусейн ётган хонага ўтди ва унинг бўйнига ип солди...

... Орадан 20-25 дақиқалар ўтгач, тунги «ов»га чиққан эр-хотин бамайлихотир уйларига қайтишар эди. Фақат уларнинг қўлларида энди марҳумнинг уйидан олинган қимматбаҳо буюмлару пуллар солинган сумка бор эди.

Эртаси куни эрталаб, қурилиш иншоотида шартнома асосида ишлаётган хорижлик қурувчилар ўз сардорларининг ишга чиқмаганлигидан ажабландилар. Кечга томон у ижарада яшаётган хонадонга келишиб, машъум ҳодисадан воқиф бўлдилар.

Ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Туманлараро прокуратураси ва ички ишлар бўлимининг тажрибали ходимларидан тузилган тезкор-тергов гуруҳи олдида ечиш лозим бўлган асосий вазифа — хориж фуқаросини ўлдирган шахс ёки шахсларни аниқлаш ва муқаррар жазо бериш учун суд ҳукмига ҳавола этиш турар эди. Туманлараро прокурори ва ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан имзоланган тадбирлар режаси тузилиб, режанинг ҳар бир банди тўлиқ ва объектив равишда бажарилиши назоратга олинди. Шунинг билан бир қаторда жиноятни содир этиш эҳтимоллари ишлаб чиқилди ва ҳар бирини охиригача етказиш учун гуруҳлар тузилди.

Жиноят иши бўйича тузилган тезкор тергов гуруҳи аъзолари асосий ишни жабрланувчининг шаҳардаги турмуш тарзи ва алоқаларини ўрганишдан бошлади. Аниқланишича, хорижлик меҳмон Учқудуқ шаҳридаги ҳаёти давомида талай енгил табиатли аёллар билан танишиб, улар билан ишқий алоқаларда бўлишга улгурган. Ижарада турган хонадон эса суюқоёқ аёллар учун кўнгилхушлик, айшишрат қилиш маконига айланиб қолган экан. Бу рўйхатга тушган аёлларнинг сони анчагина эдики, улар билан сўраб-суриштирув ишларини олиб боришлик учун алоҳида гуруҳ тузишга тўғри келди.

Ўтказилган бир қанча тезкор тергов тадбирларидан сўнг тергов гуруҳи аъзолари «ушбу жиноят жабрланувчи билан яқин алоқада бўлган, унинг уйига келиб-кетувчи аёл киши иштирокида содир этилган ва жиноят содир этилгач, кириш эшиги қулфланиб, калити олиб кетилган», деган фикрга яқинроқ эҳтимол бўйича ишлаш лозим, деган хулосага келишди. Бу хулоса кейинчалик тергов давомида тўла ўз тасдиғини топди. Чунки ушбу жиноятни тезроқ очиш маъсулияти мутасадди раҳбарлардан тортиб, оддий ходимгача тинчлик бермас, шаҳар аҳолиси орасида тарқалаётган ҳар хил сўзларга барҳам берилиб, ҳақиқий ҳолатни юзага чиқаришга бўлган ҳаракатларни давом эттиришни тақозо этарди. Бунинг учун дастлаб марҳум яшаган уй, маҳалла ва мавзеда яшовчи ҳар бир фуқаро билан алоҳида, якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Ниҳоят, ўша машъум кечада иккинчи ва учинчи қаватлар ўртасидаги майдончада бетоқат ҳолда турган аёл кишини кўрган шахс (гувоҳ) аниқланди ва унинг кўргазмаси асосида шахси номаълум аёлнинг фотороботи ишлаб чиқилди. Бу тергов гуруҳи аъзолари ишини бирмунча енгиллаштириб, аниқлаштирса-да, лекин ҳали жиноятчи топилди, дегани эмас эди.

Тергов гуруҳи аъзоларининг уч кеча-кундуз давомида қилган машаққатли меҳнати самарасиз кетмади. Тобора қисқариб, аниқланиб бораётган ҳолат Татьянага келиб тақалди. Унинг уйидан олинган, Татьяна ўша куни кийиб юрган қўйлак гувоҳга таниб олиш учун расман тақдим этилди ва гувоҳ уни тасдиқлади. Энди гувоҳга Татьянанинг ўзини кўрсатиш қолганди, холос. Лекин тергов гуруҳи аъзолари тергов ҳаракатини ўтказиш учун вақтинча иккиланиб қолишди. Боиси гувоҳ кўрган аёлнинг сочлари узун, қора ва икки ёнига ташлаб қўйилган эди. Айни чоғда эса Татьянанинг сочлари калта қилиб кесилган, тартибга келтирилган ҳолатда. Буёғи қандоқ бўлди? Бу ҳам муаммо. Буни қандай ҳал этиш лозим? Ўйламай қилинган битта нотўғри ҳаракат кейинчалик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келишини тергов гуруҳи аъзолари яхши билишади.

Нима қилиш керак? Гуруҳ аъзолари бу ҳолатни ҳам ўзаро муҳокама этишиб, оқилона йўлини топишди. Гумонланаётган Татьянанинг суратини кўпайтиришиб, шаҳарда мавжуд бўлган барча аёллар сартарошхоналарига кўрсатиб чиқишди. Расмдаги аёлни таниб олган сартарошлардан бири бу аёл икки кун олдин унинг олдига келиб, сочини қирқтириб, тартибга солдирганлигини билдирди. Бу вақт жиноят содир этилган куннинг эртаси куни эди.

Рад этиб бўлмайдиган далил ва исботларга таянган ҳолда сўроқ қилинган Татьяна бу жиноятни эри Алишер билан содир этганлигига иқрор бўлишдан ўзга чора топа олмади. Хорижлик фуқарога тегишли бўлган барча қимматбаҳо мол-мулк ва пуллар далилий ашё сифатида олиниб, жабрланувчининг қонуний вакилига қайтариб берилди...

Эшик тақилламоқда. Тақиллаганда ҳам оҳиста, беозор тақилламоқда. Бу сафарги эшик оддий, ёғочдан тайёрланган хонадоннинг эшиги эмас, балки махсус маҳкамаларнинг темирдан ясалган оғир ва солдатли эшигидир. Бу эшик панжара ортида ўтирган Татьяна ва унинг эри учун қачон очилади, буни вақт кўрсатади. Лекин шунга аминмизки, бу эшик улар учун яқин кунларда очилмайди. Зеро, жиноят учун жазо муқаррар, деб бекорга айтилмаган.

**Ёрқул УМАРОВ,**
**журналист**

---

### Худонинг иноятими?

**Бир қария роҳибга мурожаат қилди:**

**— Ҳазрат! Худонинг иноятини қаранг. Мен саксон ёшдаман. Хотиним ўн саккизда. Кўчқордай ўғил туғиб берса бўладими?**

**— Бўтам,— деб жавоб берди роҳиб.— Ёшлигимда кўп саёҳат қилганман. Бир куни рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолди. Қўлимдаги ҳассани милтиқдек ўқталиб, "пақ!" дегандим, йўлбарс "гуп" этиб йиқилди.**

**— Бу ҳам худонинг иноятиi бўлган экан-да!**

**— Йўқ, бўтам. Орқамда милтиқ кўтарган ҳақиқий овчи бор экан...**

# КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

### Зулук бериб кўрдим...

**Бир одам врачга депти:**

**— Хотиним оғир ётипти. Ёрдам беринг!**

**— Зулук бериб кўрмадингизми?**

**— Бериб кўрдим. Учтасини еди. Қолганини емайман деб оёқ тираб туриб олди.**



Болаликнинг ҳар куни байрам.

***

Ушбу сондаги суратлар муаллифи Индира ХУДОЙБЕРГАНОВА

---

*Гиёҳвандлик - иллат*

# ОҒУ ТОПИБ, ҲЧЕККАНЛАР

Бугунги куннинг барча ақлли, эсли-ҳушли кишилари аср вабоси ҳисобланган гиёҳвандликка қарши курашни ўзларининг муҳим вазифаси деб биладилар. Негаки, айрим иймонини ютган кимсалар заҳри қотилни ташиш ва сотиш билан шуғулланиб, «оқ ажал» элчилари бўлиб қолмоқда. Бундай шахсларнинг ана шундай ноқонуний ишлари нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам заҳарлаётгани, айниқса, ачинарли ва хавфлидир.

Шу йилнинг апрел ойида Қашқадарё вилоятидан Тошкент шаҳрига келиб, ҳам оғу олди-сотдиси билан шуғулланиб, ҳам ўзлари ундан истеъмол қилиб юрган беш нафар шахс ички ишлар ходимларининг тергов-тезкор ҳаракатлари туфайли қўлга олиндилар. Улар орасида аёл зотининг борлиги кишида оғир кайфият уйғотади.

Қилган ишлари ўзининг чиройли исмига мос тушмаган Дилбар Боймуродова бемор қизини даволатиш мақсадида пул топиш қўйига тушгач, шахси номаълум кишилардан «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олган. Шу тариқа унинг фаолияти бошланиб, укаси Қаҳрамон Боймуродов, қариндоши Акрам Гулмуродов ҳамда таниш-билишлари Тўлқин Баҳриев, Сайфулла Хайруллаевларни заҳри қотил олди-сотдисига чорлайди.

Фойдали меҳнат билан шуғулланиб, борига шукур, дея ҳаёт кечиришдан кўра «оқ ажал» ташувчи бўлиб, мўмай пулни қўлга туширишни афзал билган йигитлар Дилбар опалари билан дарҳол Тошкентга отланишади. Шаҳарга етиб келгач эса харидор тополмай сарсон бўлишади. Дилбар Боймуродова бемор қизидан ташвишланади ва йигитларнинг биридан 30000 сўм пул олиб, «ноёб топилмаси»ни ишонган шерикларига топшириб, Қашқадарёга қайтади.

Бу ёқда эса ҳамтовоқлар зўр бериб харидор излашади. Муродлари ҳосил бўлавермагач, А.Гулмуродов, Т.Баҳриев ва С.Хайруллаевлар қўлларида мавжуд бўлган заҳри қотилни ўзлари истеъмол қила бошлашади. Бу балога тобора ўргана бошлаган шериклар бора-бора «героин» воситасини бир-биридан яширишга киришишади.

Вақти-соати келиб, кимдир темир дезодарант флакони ичига, кимдир канализация люкига, яна кимдир ташқарига, ўт-ўланлар орасига яшириб қўйган «героин» воситаларини ички ишлар ходимларига олиб беришди.

Гиёҳвандликка берилиш ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам кони зарар эканлигини англаб етмаган беўй шериклар амалдаги қонун талабларини бузиб, жиноят содир этишганини суд курсисига келиб ўтиришгач англадилар. Ўз қилмишларидан афсус-надомат чека бошладилар. Аммо ҳар доим таъкидланганидек, жиноят жазосиз қолмайди.

Одил суд ҳукмига кўра Дилбар Боймуродова 7 йилга, Акрам Гулмуродов, Қаҳрамон Боймуродов, Тўлқин Баҳриев, Сайфулло Хайруллаевларнинг ҳар бири 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Шунингдек, суд уч нафар йигитга ЖКнинг 96-моддасини қўллаб, гиёҳвандликдан мажбурий тиббий йўсиндаги даволаш чораларини қўллашни лозим топди.

Аср вабоси — гиёҳванд моддадан ҳазар қилмаганлар нафақат ўз ҳаётларига зомин бўлдилар, айни пайтда уларнинг оиласи ҳам хўрланиб абгор бўлди. Ота-оналари кўз ёш тўкиб, бошларини хам қилдилар. Ҳали ҳаётнинг қора панжалари исканжаси нималигини англаб етмаган фарзандлари ўз яқинларининг ғамгин ҳолатини кўриб, ҳайратга тушдилар, беғубор кулгулар ўрнини ачинарли маъюслик эгаллади. Шундай қилиб, ўйланмай босилган қалтис қадам туфайли кўплаб кўнгил шишалари бемаврид синди ёки дарз кетди.

Бундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун аввало, инсон қалбида унга бериб қўйилган неъматларга шукроналик туйғуси бўлиши керак. Мусаффо осмон, заррин қуёш, она замин бизга берилган олий неъматдир. Бу неъматларни қадрлай олган инсон турмушнинг ҳар қандай синовларига бардош бериб, ўз ҳаёти ва қалбини поклашга, яхши фазилатлари салмоғини оширишга қодир. Биз ҳикоя қилган, адашган инсонларнинг фарзандлари воқеликдан тўғри хулоса чиқариб, умид-ишонч ила тоза ҳаётга интиладилар, дея тилак билдирамиз.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий газетаси

МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
Т. ХАСАНБОЕВ
Компьютерда оригинал макет "Инсон ва қонун" газетасининг ўзида тайёрланди:
Компьютер оператори:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.